

БУРҲОНИДИН БУХОРИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Эргашов Ҳасанбой Файзулло ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси докторанти

Буюк фикъшунос Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг таваллуд санаси тўғрисида ҳам турли фикрлар мавжуд бўлиб, Броккељман фақиҳни 570/1174 йили туғилган деб берса, мисрлик ва покистонлик тадқиқотчилар Тоҳо Аҳмад ал-Мағозий ва Муҳаммад Сағир Ҳасан ал-Маъсумийлар Абдулқодир Тамимийнинг “ат-Табақотус-санийя фи тарожимул-ҳанафийя” асарига ва “ал-Муҳит” нинг Ҳиндистон ва Покистон нусхаларига таяниб, Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг туғилган санасини 551/1156 ва вафоти санасини 616/1219 йил деб кўрсатадилар.

Ўша даврда ҳам Мовароуннаҳр фақиҳларининг илмий салоҳияти бутун ислом оламида тан олинган. Уларнинг асарлари эса ҳозирги вақтда ҳам ҳанафийлик мазҳабига амал қилувчи қўплаб диний ўқув муассасаларида дарслик вазифасини ўтамоқда. Бу ҳолат Мовароуннаҳрда фиқҳ илмининг юзага келиши, ривожланиш босқичлари ва ўзига хос жиҳатларини жиддий ўрганиш лозимлигидан далолат бермоқда. Қўплаб исломшунос тадқиқотчилар бу борада асосий эътиборни Мовароуннаҳрда ҳадис, фиқҳ, ислом ҳуқуқшунослигининг ривожланиш тарихига ва уламоларимиз томонидан яратилган фиқҳга доир асарларни ўрганишга, қўллэзмаларда мавжуд фақиҳлар шахсиятини ва асарларини аниқлашга қаратганлар. Лекин ислом ҳуқуқшунослигининг муҳим бир бўғини ҳисобланган фатво иш фаолиятига шу пайтгача умумий муносабат билдирилиб, ўрта асрларда яратилган фатво ва унга оид бирламчи қўллэзма манбалар деярли тадқиқ этилмаган.

Маълумки, XI-XIII асрлар ҳанафийлик мазҳабидаги фатволарнинг жамланиши, улар фаолиятининг ташкилий ва назарий асосларининг шаклланиш даври ҳисобланади.

Шу сабабли Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий томонидан ёзилган фиқҳий асарларда юқоридаги соҳалар таъсири сезилади.

Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий умри давомида Бухоро ва Самарқандда яшаган бўлса-да, лекин унинг асарлари қўплаб мусулмон мамлакатларида тан олинган. Шунингдек, аллома тузган қўлланмалар минтақага хос бўлган маҳаллий шарт-шароит ва урф-одатлардан келиб чиқиб яратилгани билан ҳам ажralиб туради.

Айни ўринда танланган мавзу юртимиз тарихининг ўрта асрларлардаги муайян соҳалари, жумладан, ижтимоий турмушнинг муҳим бўғини бўлган фатво ва муфтийлик фаолияти ва унда амал қилган турли ҳужжатлар ҳақида янги маълумотлар берибина қолмай, мамлакатимиз тарихида XI-XIII асрлардаёқ

ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий асослари яратилгани борасида аниқ илмий тасаввурга эга бўлишимиз учун ҳам хизмат қиласди. Аллома қолдирган илмий-маънавий меросга таяниб, юртимизда демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида кенг жамоатчилик оммаси, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод шуурига чинакам комил инсон ғоясини сингдириш, келажак эгаларининг аждодларга муносиб давомчилар сифатида тарбиялашда, исломнинг асл моҳиятини тўғри тушунтириш ва уларнинг диний ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотчилар учун жиддий муаммо туғдираётган масалалардан бири фақиҳни туғилган жойи нисбаси билан аташдадир.

Лекин аниқ айтиш мумкинки, Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг бобоси, Оли Моза оиласининг асосчиси Бурҳонул-Кабир Султон Санжарнинг Мовароуннаҳрга уюштирган ҳарбий юришларида ҳамроҳлик қилиши натижасида Бухорога келиб ўрнашган. Аллома таваллудининг айнан, Марғилон шаҳри билан алоқадорлиги ҳам шу ҳарбий юришларга боғланади. Асли марвлик бўлган Оли Моза оиласидан чиққан садрлар ва фақиҳлар, жумладан Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг ҳам асосий фаолияти Бухорода кечганлиги боис аллома исмига Бухорий ва тўлиқ аталганда Марғиноний нисбасини қўшиш мақсадга мувофиқдир.

Олимнинг тўлиқ исми Бурҳонуддин Маҳмуд ибн Аҳмад ас-Садр ас-Саъид ибн Моза Бухорий Марғиноний бўлиб, фақиҳнинг таваллуд санасини 551/1156 йил.

Кўриниб турибдики, Оли Моза оиласининг Бухорода машҳур бўлишида ас-Садр аш-Шаҳид муҳим рол ўйнаган. Буни кўплаб фақиҳларнинг унинг фатволарига бўлган муносабатидан ҳам билиш мумкин. Жумладан, Нажмуддин Юсуф ал-Хосий аллома фатволарини тўплаб ўзининг “ал-Фатово ал-кубро” асарини ёзган. Шунингдек, бу асар яна “Тажнис ал-воқе’от” номи билан ҳам машҳур . ал-Хосий 16 роби’ ас-соний 607/ 6 октябр 1210 йилда ас-Садр аш-Шаҳиднинг “Фатово ас-суғро” асарини китоб шаклига келтирган . Бурҳонуддин Марғиноний (ваф. 593/1197 й.) ас-Садр аш-Шаҳид фатволарини “Китоб ат-тажнис ва-л-мазид” номли асарида тўплаган. Захируддин ‘Абд ал-Макарим Абу-л-Фатҳ Исҳоқ ибн Аби Бакр ал-Валвалижи (ваф. 540/1145-46) ўзининг “Фатово ал-валвалижи” асарида кўпроқ “Фатово аҳли Самарқанд” китоби ва ас-Садр аш-Шаҳиднинг фатволаридан фойдаланганини кўриш мумкин .

Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий ўзининг “Татиммату-л-фатово” асарида амакиси фатволарини тўплаб, ҳар бир бўлим сўнггида ўз хulosаларини бериб ўтган. Ушбу асар “Нисобу-л-фуқаҳо” ёки “Фатово ан-нисоб” номлари билан ҳам аталади . Бундан Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий ҳам амакиси фатволаридан кенг фойдаланган деган хulosага келиш мумкин.

Хulosha қилиб айтганда, Оли Моза оиласидан етишиб чиққан олимлар деярли бир асрдан зиёд вақт давомида Бухоро ва Самарқандда яшаб, ислом

илмларининг турли соҳаларида ижод қилишган ва Мовароуннахрнинг ўрта асрлар тарихида чуқур из қолдирдилар. Ушбу илмий ишда Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий ва унинг оиласига Бухоро ва Самарқандда яшаб ижод этган фикҳ илми билимдонлари сифатида ёндашилди ва олимнинг ҳаёти, ижоди ва оиласига тааллуқли бир қатор чалкашликларга маълум манбаларга таянилган ҳолда аниқликлар киритилди. Биргина Бурҳонуддин Маҳмуд

Бухорийга кейинги давр олимлари томонидан мужтаҳид олим мақоми берилишининг ўзиёқ унинг ҳанафий фикҳи ривожига қўшган беқиёс хизматларига асос бўлади . Бундан ташқари XX аср бошларигача ҳанафий мазҳабида ёзилган фикҳий асарларнинг барчасида Оли Моза оиласидан чиққан олимларнинг асарлари ва фатволаридан кенг фойдаланилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Islam Ansiklopedisi.Vol.XVI. – Istanbul: Hanefi Mezhebi-Haya, 1997.
2. Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ал-умам ва-л-мулук. – Байрут: Дор ал-Фикр, 1399/1979.
3. Фақир Мұхаммад Жилоний. Ҳадоиқ ал-ҳанафия. – Лакнов: Ал-Иттиҳод, 1326/1908.
4. Сияр аълом ан-нубало. 23 боунд / Шуъайб ал-Арноут ва Мұхаммад Наъим ал-Арқусийаълом ан-нубало. 23 боунд / Шуъайб ал-Арноут ва Мұхаммад ибн Тожуддин Аҳмад ибн Моза. Ал-Мұхиту-л-бурҳоний. ЎзРФА ШИ // Манускрипт № 3102.
6. Islomov Z. Codicological Analysis of Manuscripts of “Mukaddamatu-l-Adab” of Mahmud Zamakhshari in the Funds of the World //The Light of Islam. – 2020. – T. 2020. – №. 2. – C. 30-36.
7. Islomov Z. International Islamic Academy of Uzbekistan—a result of the reforms worth to the centuries //The Light of Islam. – 2018. – T. 1. – №. 1.
8. Islomov Z. The role of the international Islamic academy of Uzbekistan in the development of Islamic studies //The Light of Islam. – 2019. – T. 2019. – №. 1. – C. 1.
9. Islomov Z. Source studies analysis of manuscripts of “muqaddimatu-ladab” in foreign archival funds //The Light of Islam. – 2019. – T. 2019. – №. 4. – C. 41.
10. Islomov Z. et al. WRITING DOWN OF HADITHS IN THE VII-VIII CENTURIES: APPROACHES AND METHODS //PSYCHOLOGY AND EDUCATION. – 2021. – T. 58. – №. 1. – C. 5536-5545.
11. Maxsudov D. Развитие исламоведения (корановедения) в Узбекистане: история и современность //Вестник КазНУ, Серия Религиоведение. – 2020. – Т. 21. – №. 1. – С. 60-67.

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME6 ISSUE-9 (30- September)

12. Maxsudov D. Razvitie islamovedenija (koranovedenija) v Uzbekistane: istorija i sovremennost' //Chabarşy. Dintanu serijasy. – 2020. – T. 21. – №. 1. – C. 60-67.
13. Maxsudov D. The development of transmitted and rational tafsirs //The Light of Islam. – 2019. – T. 2019. – №. 1. – C. 9.
14. Makhsudov D. Muslim world scientists of the temurids period //The Light of Islam. – 2019. – T. 2019. – №. 3. – C. 4.
15. Makhsudov D. Manuscripts of abul barakat al-nasafi's works on furu'Al-Fiqh //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2023. – T. 12. – №. 1. – C. 31-34.
16. Mahsudov D. IX-XV асрларда Мовароуннахрда ёзилган тафсирларнинг хусусиятлари //Молодой ученый. – 2020. – №. 14. – C. 311-314.
17. Makhsudov D. R. Mufassirs of Mawarannahr //ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80). – 2019. – C. 539-543.
18. Makhsudov D. R. МУФАССИРЫ МАВЕРАННАХРА В СРЕДНИХ ВЕКАХ //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 12. – C. 539-543.
19. Makhsudov D. A GENIUS OF THE WORLD //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 5. – C. 544-548.
20. Ugli A. Z. Z. THE PLACE OF ALIKHANTORA SOGUNIY IN THE HISTORY OF EAST TURKESTAN //Colloquium-journal. – Голопристанський міськрайонний центр зайнятості, 2020. – №. 24 (76). – C. 32-33.
21. Arslonov Z., Ergashev H. ALIKHANTORA SOGUNIY'S VIEWS ON POLITICAL GOVERNANCE IN EAST TURKESTAN //Студенческий вестник. – 2020. – №. 32-2. – C. 84-85.
22. Zokirjonugli Z. A. Approaches to studying the scientific heritage of Alikhantora Soguni //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – T. 1
23. Zokirjonugli Z. A. APPROACHES TO STUDYING THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ALIKHANTORA SOGUNI.
24. Arslonov Z. Z. THE PLACE OF ALIKHANTORA SOGUNIY IN THE HISTORY OF EAST TURKESTAN //Colloquium-journal. – Голопристанський міськрайонний центр зайнятості= Голопристанский районный центр занятости, 2020. – №. 24-2. – C. 9-11.